

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ
УЗБЕКИСТАН
БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**“ТУРИЗМ” КАФЕДРАСИ
КАФЕДРА “ТУРИЗМ”**

**“Барқарор рақобатбардош туристик ҳудудларни
шакллантиришнинг устувор йўналишлари: инновацион
бошқарув, хориж тажрибаси ва ривожлантириш
стратегиялари”**

**Республик аилмий-амалий анжумани
ТЕЗИСЛАР ТЎПЛАМИ**

14 декабрь

СБОРНИК ТЕЗИСОВ

**Республиканской научно-практической
конференции**

**“Приоритетные направления формирования устойчиво
конкурентоспособных туристических регионов:
инновационное управление, зарубежный опыт и
стратегии развития”**

**“Дурдона” нашриёти
Бухоро – 2018**

ular orqali axborotlarni qulay shaklda chiqarish, hisob-kitob ishlarini bajarish, ma'lumotlarni har xil formatlarda saqlash va ularni import-eksport qila olish shart hisoblanadi. Bunday tizimlar ikki shaklda taqdim etiladi: fagatgina lokal kompyutarda ishlaydigan va ishlaydigan. Hozirgi kunda asosan ikkinchi toifali dasturlar taqdim etiladi. Bunday tizimlarga misol sifatida "Same-Tur", "Lider-Tur", "TurMenedjer" va boshqa shu kabi dasturlarni misol keltirish mumkin.

ЭРКИН ИҚТИСОДИЙ ХУДУДЛАРДА ТУРИСТИК ХИЗМАТЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Абдуллаев Й.З.,

БухДУ Ҳарбий факультет капитани

Абдурахмонов Ш.

БухДУ Ҳарбий факультети катта ўқитувчиси

Ўрта Осиё худудида эркин иқтисодий ҳудудлар фаолиятини ҳам билишганлари ҳам бизга қадимдан маълум. Бу аجدодларимиз «карвон» йўлларида турли хилда хизмат кўрсатувчи марказларини ташкил этишган бўлиб, бу марказлар ҳам маълум имтиёزلарга эга бўлганлар. Бу борада шунини ҳам айтиш лозим-ки, бу марказларда эркин иқтисодий ҳудудларнинг белгилари мавжуд бўлган.

Марказ бошқаруви бу ерда ишлаётган устанинг келиш сабабларини сўрамаса ҳам, улар ишдан бўшаб кетаётганларида ишдан кетиш сабабларини албатта сўраганлар, чунки бу марказда яратилган қайси имтиёзлар устага маъқул бўлмаганлиги ёки бўлмаса яна қаерда бундан ҳам яхши имтиёзлар борлиги билан қизиққанлар. Шунинг учун ота-боболаримиздан мерос қолган

– иқтисодиётда катта аҳамиятга эга бўлган ҳудудларни қаерда ва қандай ташкил этиш лозим? Ана шу тўғрида Республикамиздаги олимлар ва молиявий барқарорлиги марказлаштирилган ва ўзига хос тарзда ташкил этилган эди...»¹

мутахассислар «эркин иқтисодий ҳудудлар» тўғрисидаги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва хорижий мамлакатлар тажрибасини ўргана бориб маълум бир ҳулоса чиқарганлари эътибордан холи эмас, шу мақсадда ва ўрганилаётган муаммонинг ечимини мамлакатимизда қай даражада ечилганлигини ўрганиш мақсадида, улардан баъзиларини келтиришни лозим деб билдик.

Қадимда бобоқолонимиз Амур Темур давлатида «...эркин иқтисодий ҳудудлар «сандиқчилар» ва «темирсозлар» маҳаллалари кўринишида фаолият кўрсатганлар, чунки бу маҳаллалар ўзларининг моддий-техника

¹ Раҳимова А.Ғ. «Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим қадам» Хусусий мулк газетасининг 1995 йил 25 (109) сони).

таъминоти ва маҳсулотни сотиш «маркетинги», баҳолари ва Бошқа бир олимнинг фикрича «...буюк ипак йўли тарихда ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида жойлашган Самарқанд ва Бухоро давлатларини ривожлантириш учун муҳим восита бўлиб хизмат қилди, шунинг учун

Темурийлар давлатининг маркази ҳисобланган Самарқанд шаҳрида эркин савдо ҳудудининг ташкил этилиши боболаримиз ишларини давом эттириш бўлиб ҳисобланса, ажаб эмас...»¹ Айтиб ўтилганларга асосан шунини қайд этиш лозим-ки, «эркин иқтисодий ҳудудлар» мустақил Ўзбекистон Республикаси учун янгилик бўлмай, балки аجدодлар анъанасининг давомийлигидир. Бу анъана давом эттирилар экан, Ўзбекистонда «эркин иқтисодий ҳудудлар»ни қайси ҳудудларда ташкил этиш тўғрисида ҳам олимларимиз томонидан фикр ва мулоҳазалар айтилмоқда. Юқорида номини тилга олинган олимнинг фикри бўйича «...тадқиқотлар шунини кўрсатмоқда-ки – Хоразм вилоятининг Хозарасп туманида «эркин савдо ҳудуди» ташкил этиш учун қулай имкониятлар мавжуд, чунки бу туман орқали Эрон, Туркия, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркменистон ва Россияга олиб борадиган йўллар кесишганлиги сабабли товар айир бошлаш ишларини интенсивлаштириш мумкин. Шу билан бир қаторда шундай ҳудудни Жиззахда ҳам ташкил этиш лозим, лекин бу иқтисодий ҳудуд Хозараспдагидан фарқли ўлароқ, кўпроқ индустриал саноат маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари билан ишлаб чиқариш лозим. Масалан, вилоятда етиштирилаётган пахтадан қайта ишлаш асосида тўқимачилик саноатини ривожлантириш, оқибатда Европа ва Осиёда рақобатбардош тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, Тошкент, Самарқанд, Урганч, Зарафшон, Чирчиқ ва Асака шаҳарларида технология полислари ёки паркларини ташкил этиш, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларида туризмни ривожлантириш ва туристик комплексларни барпо этиш мумкин...».² Юқорида келтириб ўтилган фикрлар – Америка Қўшма Штатлари, Япония, Буюк Британия, Германия, Хитой ва бошқа «эркин иқтисодий ҳудудлар» ташкил этилган мамлакатлар тажрибасини ўрганиш асосида айтилган. Ўзбекистон Республикасида миллий хусусиятлар асосида

«технополислар» ташкил этиш лозимдир ва эркин иқтисодий ҳудудларнинг ташкил этилиши иқтисодий реформаларнинг мақсадга мувофиқлигини таъминловчи омиллардан биридир.

Ўзбекистонда «Эркин иқтисодий ҳудудлар тўғрисида» ги қонун қабул қилингандан кейин, ЭИҲларнинг турли шакллари ташкил этиш бўйича кўплаб лойиҳалар ишлаб чиқилди. Бу бўлимда уларнинг баъзиларини таҳлил қиламиз.

¹ Дониш Шукуров «XXI асрда «ипак йўли» Хусусий мулк газетаси 1995 йил 54 (152) сони.

² Раҳимова А.Ғ. «Эркин иқтисодий зоналар – келажак учун муҳим қадам» Хусусий мулк газетасининг 1995 йил 25 (109) сони).

Хорижий инвесторлар учун манфаатли лойиҳалардан бири “Саноат ҳудудлари”дир. Ушбу лойиҳа Тошкент шаҳар ҳокимияти ва Япониянинг “Сумитомо” корпорациялари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган. Унга кўра, Тошкентдан 10 км. Жанубда жойлашган Бектекмир районида майдони 102 га дан иборат универсал комплекс 40 галик порт ва 62 галик эркин ишлов бериш ҳудудларидан иборат. Саноат ҳудуди таркибида 60 дан ортиқ корхоналарни ташкил этиш ҳамда барча зарур алоқа воситаларини қуриш режалаштирилган. Корхоналар 15 мингдан ортиқ одамни иш билан таъминлаши аниқланган ва хонаки лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда.

Комплексдан маиший, маъмурий ва тижораттузилмалари ўрин олиши мўлжаллангандир.

Лойиҳага кўра ЭИХнинг келажакдаги корхоналари олдига қуйидаги саноат мажбуриятлари қўйилади:

- корхоналар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни қайта ишлаш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришлари керак; экспортга ихтисослашган корхоналар, капитал талаб маҳсулотлар ишлаб чиқариши керак;
- табиий тоза маҳсулотларни ишлаб чиқариши шарт.

Ҳудуднинг қурилиши ва ундаги корхоналарнинг фаолияти, маҳаллий ва ҳудудий корхоналарнинг бизнес имкониятларининг ошишига сабаб бўлади. Бевосита ва билвосита бандликнинг ўсиши кузатилади.

Ишчиларнинг фойдасини ўсиши қолган аҳолига иш ўринларини яратилишига олиб келади. Хорижий корхоналарни ЭИХларда фаолият юритиши янги технологияларнинг кириб келиши ва аҳолининг билим савиясининг ўсишига олиб келади. Қуруқликдаги порт, контейнер порти ва омборлардан иборат бўлади. Ўз навбатида, темир йўл терминали, боғхона хизмати, юклаш-ортиш каби механизмлар ҳам ушбу портда ўрин эгаллайди.

Порт контейнер терминали ва логистик марказ вазифаларини бажаради. Бу портда транспорт воситлари алмашинуви содир бўлади. Лойиҳани амалга ошириш, қўшма корхона яратиш орқали бажарилиб, ушбу қўшма корхонада Ўзбекистоннинг улуши 40%ни, Япониянинг улуши 60%ни ташкил этади.

Япония экспертларининг тадқиқотлари бўлғуси саноат парки, қуруқ порт ва комплекс инфраструктураси 185 млн. АҚШ долларини ташкил этишини тасдиқлади.

Мутахассислар томонидан таклиф этилган яна бир лойиҳа, Наманган вилоятида ташкил этилиши мумкин бўлган ЭИХдир. Умумий аҳолисининг сони 1,7 млн, ҳудуди эса 2218 га ташкил этувчи Давлатобод туманида саноат паркни қуриш режалаштирилган. Саноат ҳудудининг майдони, 50 га дан иборат бўлиши кўзда тутилган.

Ўзбекистон –АҚШ “Airleasing” қўшма корхонасининг хорижий компаниялар билан(буюк британия, Италия, ва АҚШ ҳамда Самарканд

вилоятининг маъмурияти) бирга ишлаб чиққан лойиҳаси, “Жанубий Пири” деб номланади ва Самарқандни фақат халқаро туризм марказига эмас балки, ҳудуднинг коммуникация йўлларини трансосиё ва паневропа транспорт тизимлари билан боғловчи Марказий Осиё транспорт бўғинига айлантиришини ва шаҳри яқинида, эркин савдо ҳудудини ташкил этишни кўзда тутди. Лойиҳа ташаббускорларининг фикрига кўра, ушбу аэропортдан кунига Ҳиндистон, Покистон, Жануби-шарқий Осиё ҳамда Европа давлатларининг ўнлаб самолётлари кўниб фойдаланишлари мумкин бўлади.

Лойиҳанинг иқтисодий таҳлили шуни кўрсатдики, масалан БОИНГ-747 самолётидан фойдаланиш орқали ҳар бир рейсдан 12 минг АҚШ доллари фойда килиш мумкин. Бу эса йилига Ҳаво йўллари учун 5 млн. АҚШ доллари миқдорда фойда келтириши мумкин.

Лойиҳа тўлиқ инвестициялар асосида амалга оширилиши кўзда тутилган. Бу лойиҳани амалга ошириш халқаро туризмни ривожланишига катта таъсир килиши мумкин. Чунки Самарқандга хорижий компаниялар рейсларининг ошиши Европа-Жануби-шарқий Осиё маршрути бўйлаб кетаётган туристлар оқимларининг (шу жумладан транзит) кўпайишига олиб келади.

Лойиҳани амалга оширилиши нефтни экспорт килишга катта имкониятлар яратади. Қоравулбозордан то аэропортгача 120 км қувур ўтказиш орқали 500 минг тонна керосинни авиа учишлар учун сотиш орқали йилига 100 млн. АҚШ доллари миқдорида фойда олишни таъминлайди.

Экспертларнинг фикрига кўра, Ўзбекистонда ЭИХларнинг фаолият кўрсатиш шакли сифатида Самарқанд маҳсус очик халқаро туризм ҳудуди (МОХТХ) бўлиши мумкин. Бу ҳудудда маҳсус ҳукукий тарти ўрнатилиши кўзда тутилган бўлиб, у ўзига божхона, солиқ, молия соҳалари, хорижи фуқароларнинг ҳаракатини тартига солишни олади. Ушбу ҳудуднинг ташкил этилишининг ҳукукий асослари Президентимизнинг 1995 йил 2 июнда чиқарилган фармонида ишлаб чиқилган эди. Юқорида қайд этилган Фармонни бажаришни таъминлаш мақсадида Самарқандда ЭИХни ташкил этиш лойиҳасини ишлаш бошланди ва уч йилдан кейин у Давлат мулк Қўмитасида кўриб чиқилди ва унинг кўп томонларини инобатга олган ҳолда, баъзи жойларни қайта кўриб чиқиш тасия этилди. Лойиҳалаштирилаётган маҳсус очик ҳудуд ўзининг фақат географик жойлашуви билангина эмас балки, мос табиий ресурслари, хўжалик салоҳияти, турли этно ижтимоий таркиби, маданий анъаналари, тарихий-археологик ёдгорликлари билан ҳам ажралиб туради. Шу билан бир қаторда Самарқанд халқаро стандартларга мос келадиган сервис хизматларининг кенг таркибини ўз ичига олувчи меҳмонхона комплексларига эга. Бу ерда уяли ва электрон алоқа яхши йўлга қўйилган, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўл коммуникациялари ривожланган.

Самарқанд МОХТХ сани ташкил қилиш мақсадида 1996 йилда Самарқанд вилояти ҳокимияти томонида ЭИХ ташкил этилиши муаммолари билан туризм соҳасидаги мутахассислардан гуруҳ тузилди ва улар Россиянинг Калининград вилоятидаги “Янтарь” эркин ҳудуди фаолияти

билан танишиб чиқди ҳамда бу ҳудуд ва узоқ хориж мамлакатлари, хусусан Исроил, Туркия ва Хитойнинг тажрибаларини ушғумлаштирди. 1997 йилнинг бошида Самарқанд МОХТХ ни ташкил этиш концепцияси, дастури ва низомини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳи тузилиб, бу гуруҳ, 1997 йилда ушбу ҳудуд лойиҳаси бўйича норматив меъёрий ҳужжатлар устидаги ишларни тугатди. Ушбу лойиҳа, халқаро туризмини ривожлантиришга бевосита ва билвосита таъсир этувчи вазирлик ва ташкилотларга юборилди ва лойиҳа юзасидан таклиф ва мулоҳазалар олинди.

Аммо ҳозирга қадар ушбу лойиҳа юзасидан қатъий қарорлар қабул қилинмади ва лойиҳа турли давлат муассасаларида кўриб чиқилмоқда ва ўрганилмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, ЭИХларни ташкил этиш бўйича бир қанча лойиҳалар ишлаб чиқилишига қарамай, уларни амалга оширилиши муаммоларига қолмоқда. Уларга қуйидаги омиллар таъсир этади:

- ЭИХларни ташкил этишга доир методик ёндашувнинг йўқлиги;
- ЭИХлар бўйича зарурий баъзи ҳукукий ҳужжатларнинг мавжуд эмаслиги;
- Истикболли ЭИХлар лойиҳасини молиялаштириш муаммосининг мавжудлиги Молиявий ва валюта механизмининг мукамал эмаслиги.

Бугунги кунда, фикримизча, Ўзбекистонда қуйидаги ЭИХларни ташкил этиш муҳим ҳисобланади:

- Жаҳон бозорига чиқиш имкониятига эга корхоналар асосида илмий ва технологик ҳудудлар. Тошкентда бундай ҳудудлар “Фотон”, “ЎзЭлектроаппарат” каби ишлаб чиқариш ассоциациялари ёрдамида ташкил этилиши мумкин;
- Хоразм, Тошкент, Андижон, Самарқанд вилоятларида агросаноат ҳудудларини ташкил этиш мақсадга мувофиқ. Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда агросаноат ҳудудларини ташкил этиш орқали қишлоқ хўжалиги ва ишчи кучидаги афзалликлардан фойдаланиш мумкин.
- Жиззах вилоятининг Зомин туманида туристик ҳудуд ташкил этиш мумкин.
- Тошкент ва Сирдарё вилоятларида эркин божхона ҳудудларини яратиш орқали сақлаш, нашлаш, қадоклаш каби хизматлар эвазига фойда олиш мумкин.
- Ириқ саноат корхоналари жойлашган ҳудудларда технопарклар ва инкубаторлар яратиш мумкин.

Юқоридаги лойиҳалардан ташқари, корхона ва маҳалла тамойили асосида иқтисодий кооперацион ҳудудлар ташкил этилган. Улар ҳудудлар тараққиётининг тармоқ омиллигига енгил саноат ва маҳаллий саноат соҳаларида иш юритмокда.

МАМЛАКАТИМИЗ ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МЕҲМОНХОНА ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА АҲАМИЯТИ

Абдуллаев А.А.

БухДУ Ҳарбий факультет капитани

Жунайдуллаев М.А.

БухДУ Ҳарбий факультет талабаси

Туризм ва меҳмонхона хўжалиги бир соҳасининг таркибий қисмларидир. Меҳмонхонага эҳтиёжнинг ошиб бориши бевосита туризмнинг ривожланиши билан боғлиқдир. Меҳмонхоналар фаолиятининг кенгайиши ўз-ўзидан содир бўлмайди. Жаҳон амалиётидан маълумки, туризмни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишга, кам тараққий этган ҳудудларнинг ривожланишига, аҳоли бандлигининг ошишига, аҳоли маданиятининг юксалишига олиб келади.

Туризм шундай соҳаки, унинг қайси мамлакатда ривожланса, ўша мамлакатнинг иқтисодиёти юксалади, ижтимоий ҳаётида ҳам ўнгланиш содир бўлади. Шу туфайли кўпгина мамлакатлар туристик марказларга айланган. Бундай давлатлар иқтисодиётининг ривожланиши асосан туризм ҳисобидан амалга оширилмокда.

Мазкур соҳанинг ажралмас қисми бўлган меҳмонхона хўжаликлари тизими ҳам тармоқ сифатида шаклланган. Маълумки, мамлакатимизда катта туристик салоҳият мавжуд. Бу иқтисодиётни юксалтириш учун жуда катта имконият. Аммо бундай имкониятлардан тўлиқ фойдаланишга эришилган эмас. Айрим олимларнинг ва оммавий ахборот воситаларининг берган маълумотлари бўйича мамлакатимиз ЯИМда туризмнинг улуши 1,8 %ни ташкил қилмокда¹. Ваҳоланки, тараққий этган мамлакатларда ушбу кўрсаткичнинг улуши анчаюқори. Масалан, Испанияда 12 %ни, Миср Араб Республикасида 10 %ни, Грецияда 8 %ни, Германия Федератив Республикасида 8 %ни, Францияда 6-7%ни, Ҳиндистонда 6,2 %ни, Сингапурда 5 %ни, Белгия, АҚШ каби мамлакатларда 3%ни ташкил қилади². Кўриниб турибдики, туризм ва меҳмонхона соҳасини

¹ Қудратов Ғ.Ҳ., Мусаев Ҳ.Ҳ. Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати ва унинг туризм хизматбозорини ривожлантиришда тўтган ўрни. //Ўзбекистонда туризм хизмат бозорини ривожлантиришнинг ижтимоий-иқтисодий ағуамолари. Монография. – Т.: “Иқтисодиёт” нашриёти, 2012. – 288-289-бетлар.

² Ўша манба

Юлдашева С.Н.	Ўзбекистонда туризмни ривожлантириш стратегиялари	164
Алымов А. К.	Минтақада экотуризмни ривожлантириш стратегиясини шакллантириш	167
Навроз-ЗодаБ.Н., Нажмиддинов С.Н.	Туризмни инновацион рақобатбардошлик парадигмаси	170
Мўминов Х. И.	Туризм соҳаси маълумотларини экспоненциал текислаш усули ёрдамида таҳлил қилиш	173
Расулова Н.Н.	Худудий туризмни ривожлантиришда тизимли ёндашув	177
Жўраева З.Т. Толмасова Ш.	Туристик корхоналарда экологик туризм элементларини самарали қўллаш хусусиятлари	180
Холлиев Ш.Б. Холмуродова Д.	Туризмни ривожлантиришда экотуристтик маршрутларни ишлаб чиқишнинг тутган ўрни	184
Навроз-зода Ш.Б.	Иқтисодийётнинг стратегик сектори сифатида туризмни барқарор ривожлантириш йўллари	186
III ШУЎБА. ЯНГИ ТУРИСТИК ХУДУДЛАРНИ ЯРАТИШ ВА ТУРИСТИК ЙЎНАЛИШЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ, ОМИЛЛАРИ, ИМТИЁЗЛАР ВА ҚУЛАЙЛИКЛАР МАЖМУАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ		
Рахматуллаева Ф. М.	Минтақавий туризм ривожланишига таъсир этувчи омиллар	189
Бердикулов В., Аллаёров Р., Ибодов К.М.	Самарқанд минтақавий туризм кластери ривожланишини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг маркетинг амаллари	193
Ибодов К.М.	Туристтик кластернинг иқтисодий моҳияти: тушунчаси, турлари ва ривожланиш омиллари	197
Abdiyev A. Xusanov Sh	Turizm innovatsiyasida axborot texnologiyalarining roli	201
Абдуллаев Й.З., Абдурахмонов Ш.	Эркин иқтисодий ҳудудларда туристик хизматларни тақомиллаштиришнинг асосий йўналишлари	204
Абдуллаев А.А. Жунайдуллаев М.А.	Мамлакатимиз иқтисодийётини ривожлантиришда меҳмонхона хўжалиқларининг ўрни ва аҳамияти	209
Алимова Ш. О.	Мамлакат миқёсида туризмнинг жозибадорлигини оширишда анимациянинг ўрни	215
Ҳамроев Ҳ.Р.	Бухоро арки туристик маскан сифатида	218

